

ҚУРИЛИШ МАЖМУАСИНИНИНГ КЛАСТЕР МОДЕЛИ

Ш.Б.Абдусаматов

М.Улуғбек номидаги Самарқанл давлат архитектура-қурилиш институти докторанти. Самарқанд, Ўзбекистон.

abdusamатов.shahriyor@bk.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a13

Аннотация

Мақола бугунги шароитда қурилиш мажмуасини бошқариш жараёнини қандай қилиб самарали бошқариш муоммасига қаратилган бўлиб ва унда ҳудудий қурилиш тармоғи иқтисодиётнинг асосий драйверлардан бири ҳисобланиши, қурилиш мажмуасига қисқача таърифлар ва қарашлар берилган. Шу билан бирга ҳудудда қурилиш мажмуасини самарали бошқаришда кластер моделини яратиш зарурлиги ҳамда уни яратиш бўйича муаллиф томонидан таклиф ва фикрлар келтирилган.

Таянч сўзлар: кластер, қурилиш мажмуаси, консалтинг, урбанизация, инновацион ёндашув, қурилиш индустрияси, реновация.

Аннотация

В статье рассматривается проблема, как эффективно управлять процессом управления строительным комплексом в современных условиях, дают краткие определения и взгляды на строительного комплекса. Рассматривается региональная строительная сеть как один из основных драйверов экономики. В то же время автором была дана необходимость создания кластерной модели для эффективного управления строительным комплексом региона, а также предложения и мнения по ее созданию.

Ключевые слова: кластер, строительный комплекс, консалтинг, урбанизация, инновационный подход, строительная индустрия, реновация.

Abstract

The article deals with the problem of how to effectively manage the process of managing the building complex in modern conditions, give brief definitions and views on the building complex. The regional construction network is considered as one of the main drivers of the economy. At the same time, the author gave the need to create a cluster model for the effective management of the construction complex of the region, as well as suggestions and opinions on its creation.

Key words: cluster, building complex, consulting, urbanization, innovative approach, construction industry, renovation.

Кириш

Вилоят иқтисодиётининг энг муҳим тармоқлари орасида бугунги кунда ўзининг юксак ривожланиш суръатлари ва саноат концентратцияси даражаси билан ажралиб турадиган қурилиш мажмуаси алоҳида ўрин тутди. Қурилиш мажмуасида қурилиш

инфратузилмасини яратиш ва мамлакат иқтисодиётининг турдош тармоқларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳудудларда аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш учун урбанизация сиёсатини янада такомиллаштириш учун етарли имкониятлар яратиб бермоқда. Яъни “Қурилиш соҳасини техник тартибга солиш. Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш.

Аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини ишлаб чиқиш. Реновация ва ўй-жойлар дастурлари асосида шаҳарларда эскирган уйлар ўрнига 19 миллион квадрат метрдан ортиқ замонавий ўй-жойларни барпо этиш, 275 мингдан зиёд оиланинг янги массивларга кўчиб ўтиши учун шароит яратиш” [1].

Қурилиш мажмуаси ва унинг алоҳида корхоналари мамлакатимиз ишлаб чиқариш-иқтисодий салоҳиятини сақлаш ва ривожлантириш, молиявий аҳволини, аҳолининг турмуш шароити ва дам олишини яхшилашда етакчи ўрин тутди.

Республикада қурилиш соҳасини ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш комплексини янада ривожлантириш, ҳудудларда аҳоли учун арзон ўй-жойлар қурилишини таъминлаш, ўй-жой қурилиши бозорида талаб ва таклиф номуносаблигини қисқартириш мақсадида, 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб - қувватлашнинг қўшимча чора - тадбирлари тўғрисида” ги Қарори қабул қилинди [2].

Бироқ, иқтисодиётда қурилиш индустриясини ривожлантиришнинг ижобий тенденцияларидан қатъи назар, ушбу тармоқ қурилиш мажмуаси имкониятларини сезиларли даражада чеклайдиган, минтақавий даражада қурилиш корхоналарининг рақобатбардошлигини пасайтирадиган бир қатор салбий ҳодисалар билан ҳам ажралиб туради. Бу тенденциялар асосан, қурилиш ташкилотлари тузилмаси ва уларнинг ишлаб чиқариш қувватларининг ўзгариши, шунингдек, улар ўртасидаги ҳамкорликнинг самарасиз шакллари билан боғлиқ.

Бинобарин, вилоятдаги қурилиш корхоналарининг қувватини оптимал даражага ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун қурилиш индустрияси корхоналари ўртасида интеграция ва кооперация алоқаларининг янги замонавий шакллари ривожлантириш зарур. Ҳозирги вақтда интеграцион алоқаларни ривожлантиришнинг шундай шакллари билан бири қурилиш мажмуасида кластер моделини яратиш ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Ҳудудий қурилиш мажмуасида кластер моделини ташкил этиш, қурилиш ташкилотларини ягона ишлаб чиқариш ва сотиш тармоғига интеграция қилиш орқали ҳудудда мавжуд ишлаб чиқариш омилларининг мақбул алоқаларини таъминлаш ва корхоналар ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатлари тузилмасини такомиллаштириш имконини беради. Бундан ташқари, қурилиш компаниялари бирлашмасининг ушбу шакли кластернинг потенциал иштирокчиларига ахборот ва консалтинг ёрдами орқали қурилиш фаолиятини янада самаралироқ тартибга солишнинг замонавий йўллари ҳам яратиб бериш имкониятига эгадир.

Худудда қурилиш индустриясининг ривожланиши ЯИМ ўсишини таъминлаб, кўплаб ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун зарур шароитлар яратади. “Қурилиш мажмуасининг вилоят иқтисодиётидаги ўрни шундан иборатки, қурилиш маҳсулотлари вилоятдаги иқтисодий ўсишини таъминловчи асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, асосан такрор ишлаб чиқаришни кенгайтиришга хизмат қилади, бу эса инвестициялар ва янги объектлар ва иншоотлар қуриш ҳисобига таъминланади” [3].

Таъкидлаш жоизки, қурилиш индустриясининг ривожланишини мамлакат иқтисодиётининг асосий ва ёрдамчи тармоқлар мажмуасини қамраб олган бошқа тармоқларидан ажратиб бўлмайди.

Қурилишдаги тадбиркорлик фаолияти халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги фаолиятига нисбатан, айниқса яратилган маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. “Чунки қурилиш ўз моҳиятига кўра ишлаб чиқариш инфратузилмаси, турар-жой бинолари ва ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлардаги биноларни яратиш ва ривожлантириш орқали ҳудудий иқтисодий комплексни асосий ишлаб чиқариш фондларининг пассив қисми билан таъминлайдиган кўп тармоқли фаолиятни назарда тутати”[4].

Минтақавий қурилиш мажмуасини қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун маълум бир тарзда ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг мураккаб тармоқлараро ҳудудий бирлиги сифатида тавсифлаш мумкин [5].

М.И Каменицкийнинг фикрига кўра, қурилиш мажмуаси асосий капиталга инвестиция қилиш мотивлари тизимини таҳлил қилади ва ҳозирги иқтисодий шароитда бу мотивлар тез фойда олишни таъминловчи жорий талаб томон силжишини кўрсатади [6].

А.И.Романованинг фикрига кўра, қурилиш мажмуаси инвестиция - қурилиш комплексининг барқарор иқтисодий ривожланиши муаммосини, инвестиция - қурилиш мажмуасининг ички ва ташқи муҳити барқарорлигини безовта қилувчи омилларнинг таъсир этиш даражасини ўрганади [7].

В.А.Швецовнинг фикрига кўра, қурилиш мажмуаси инвестицияга боғлиқ бўлган саноат тармоқларининг ҳудудий комплексини бошқариш омилларининг ташкилий - технологик шартларини ушбу тармоқларнинг мустақил хўжалик юритувчи субъектлари билан биргаликдаги фаолиятини кўриб чиқади [8].

Вилоят иқтисодиёти даражасида жуда кўп турли хил ижтимоий - иқтисодий вазифалар мавжуд бўлиб, уларни ҳал қилишда қурилиш мажмуасининг юқоридаги хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Ҳудуд даражасидаги муаммоларни ҳал этишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ҳудудий инвестиция - қурилиш комплексига кирувчи корхоналар фаолияти самарадорлигига боғлиқдир.

Минтақавий кластер анъанавий саноат мажмуалари билан солиштирганда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, бозор тамойилларига имкон қадар тўлиқ асосланади. Бу саноат кооперациясининг самарали механизмидир, чунки бундай бирлашманинг ташаббускорлари саноат корхоналари бўлиб, рақобатдош устунликларни яратиш учун турли шаклларда бирлашиш зарурлигини ҳис қилдилар.

Ҳозирги вақтда маълум бир ҳудуддаги корхоналар бирлашмаларини кластерлар деб атаса мақсадга мувофиқ бўлади. М.Портер кластерларни “корхоналарнинг жуғрофий жиҳатдан яқин гуруҳлари ва уларни таъминловчи инфратузилма сифатида таърифлаган, бу эса корхоналарнинг тармоқлараро бир –

бирини ишлаб чиқариш фаолиятини тўлдиради. Кластер ташкилотининг асосий таъсири - ихтисослаштирилган меҳнат ресурсларига кириш, билимларни тарқатиш ва ихтисослашган алоқаларга кириши билан белгиланади” [9].

Тадқиқот методологияси

Ривожланган мамлакатларда кластер - қурилиш мажмуалари ҳудуддаги қурилиш индустрияси самарадорлиги ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган муҳим ёндашув сифатида қаралмоқда. Қурилиш ишларини амалга оширишда кластер ёндашуви тармоқни ривожлантиришнинг янги стратегиялари ва уни амалга ошириш дастурларини ишлаб чиқишни назарда тутди.

Бинобарин, қурилиш кластери тармоқ ва умуман ҳудуднинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган ҳудудий корхоналарни интеграциялашувининг янги такомиллаштирилган ташкилий шаклидир. Кластер доирасида интеграциялашган ҳолда саноат корхоналари инвестиция харажатларини камайтириш, замонавий технологиялар, бошқарув усуллари, таъминловчилар ва харидорлар маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш, юқори малакали мутахассисларни топиш жараёнини осонлаштириш имконини бермоқда.

Шундай қилиб, қурилиш кластер модели қурилиш хомашёси ва материаллари, асосий ва ёрдамчи асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, транспорт, логистика хизматлари, таъмирлаш-монтаж ишлари, хизмат кўрсатувчи корхоналар билан асосий қурилиш ишларини бажарувчи корхоналар мажмуини, бозорни тадқиқ қилиш, савдо, консалтинг, малакали кадрлар тайёрлаш жараёларини қамраб олади. Қурилиш мажмуасининг ҳудуд миқёсида бундай кластер моделини ташкил этилиши саноатнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга ёрдам беради ва минтақадаги кўплаб ихтисослашган кичик ва ўрта корхоналар фаолиятини яхшилади, бу эса пировард натижада қурилиш индустриясини ривожлантиришдаги динамик ва соҳадаги доимий ўзгаришлар туфайли минтақа иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширади.

Қурилиш кластери қурилиш мажмуасининг барча блокларини (ташкilotларини) бирлаштиради, бу - қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар, объект қуриш ташкилотлари, тегишли асбоб-ускуналар ва қурилиш технологиялари билан таъминловчи корхоналар, кадрлар тайёрлаш, лойиҳалаш ташкилотлари, архитектура фирмалари ҳамда кўчмас мулкни сотиш ва ижарага олувчи ташкилотлардир.

Ҳудудий қурилиш кластерини шакллантириш ва ривожлантириш - қурилиш индустриясининг вилоят иқтисодиётидаги ўрни ва ролини ошириш, рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим дастаги ҳисобланади. Шу билан бирга, республика ва минтақа миқёсида ҳудудий қурилиш кластерларини яратиш шартлари кенг муҳокама қилинишидан қатий назар, инновациялар ривожланишини ҳисобга олган ҳолда қурилиш соҳасида хўжалик юритувчи субъектларни бирлаштириш бўйича ҳудудий кластер ташаббусларини амалга оширишнинг услубий жиҳатлари етарлича аниқланмаган.

Таҳлил ва натижалар

Бизнинг фикримизча ҳудудий қурилиш кластерига кирувчи мустақил корхоналар, қурилиш фирмалари ва бошқа ташкилотлар қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

- қурилиш хизматларини кўрсатиш ёки қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича аниқ бир – бирини тўлдирувчи корхоналар географик жиҳатдан бир ёки бир нечта минтақада тўпланган;

- қурилиш хизматларини кўрсатиш ёки қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича аниқ ихтисосликка эга бўлиши;

- шериклик ва рақобат тамойиллари асосида ўзаро ҳамкорлик қилиш;

- расмий ёки норасмий тузилишга эга ва ҳоказо.

Қурилиш кластерлари бошқа соҳалардаги ҳудудий кластерларга нисбатан бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Қурилиш кластерини яратишда кластер концепциясининг асосий қоидаларини ҳисобга олиш керак, уларга қуйидагилар киради:

- кластерни ташкил этувчи қурилиш ва тегишли корхоналар бир хил ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларни тақсимлаш имкониятига эга;

- корхоналарнинг географик яқинлиги транспорт - коммуникация харажатларини камайтириш имконини беради;

- минтақадаги корхоналарнинг концентрацияси яширин билимларнинг тарқалишига ёрдам беради, яъни кластерга киритилган фирмалар ходимларининг шахсий тажрибаси ва билимлари. Ушбу билимларни ривожлантириш орқали компания рақобатбардошликни оширишга интилади [10].

Хулоса ва таклифлар

Таҳлил шуни кўрсатдики, минтақадаги қурилиш мажмуасида кластер моделини ташкил этиш қуйидаги афзалликларни беради:

1. Ҳудудий қурилиш кластерлари иштирокчиларга янги технологиялар, билимлар ва қўшма тадқиқот ишларини ривожлантириш имкониятини беради.

2. Кластер корхонаси ўз фаолиятига инновация элементларини жорий этиш, ички ихтисослашувни ривожлантириш, ишлаб чиқариш кўламини ошириш орқали ишлаб чиқариш таннархини камайтириш асосида қўшимча рақобатдош устунликларни яратиш имкониятига эга бўлади.


3. Кластерда кичик ва ўрта корхоналар каби мослашувчан бизнес тузилмаларининг мавжудлиги ҳудуд иқтисодиётида ўсиш суръатларини ривожлантириш учун инновацион нуқталарни шакллантириш имконини беради.

4. Қурилиш соҳасида кичик бизнесни ривожлантириш, уларнинг инвестиция ресурсларидан фойдаланишини осонлаштириш, фикр алмашиш ва билимли мутахассислардан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги.

5. Қурилиш мажмуасида кластер моделини яратиш корхона раҳбарларига давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари даражасида кластер таркибига кирувчи корхоналар манфаатларини янада самарали ҳимоя қилиш имкониятини беради.

Бизнинг фикримизча, ҳар қандай кластерларни яратишда муҳим ёндашув инновацион ёндашув ҳисобланади. Қурилиш кластерини яратишда инновацион жараёнларнинг ривожланиши ва кластернинг ундан оптимал фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олиш керак. Инновацион ёндашув компания ичидаги иерархия ва бозор механизмининг афзалликларидан тўлиқ фойдаланиш имконини

беради, бу эса янги билимларни, илмий кашфиётлар ва ихтироларни тезроқ ва самаралироқ тарқатиш имконини беради.



1-расм. Ҳудудий кластер моделини шакллантириш босқичлари

Стратегик мақсадларга эришиш учун минтақавий қурилиш кластерини шакллантириш зарур ва кластернинг ишлаш механизмини таъминлаш, қурилиш кластерини шакллантириш мақсадига эришиш даражасини баҳолаш ва унинг ривожланишини аниқлаш имконини беради. умумий стратегик мақсадларни амалга ошириш учун кластернинг барча таркибий элементларини интеграциялашувига ёрдам беради. Ҳудудий кластерни шакллантиришнинг асосий босқичлари 1-расмда келтирилган.

Юқоридаги фикр мулоҳазалардан айён бўлмоқдаки, қурилиш мажмуасида кластер ривожланишининг асосий бўғини энг йирик рақобатбардош хўжалик субъекти (“етказиб берувчи (таъминотчилар) – ишлаб чиқарувчи (қурувчилар) – бозор – миждоз” хўжалик юритувчи субъектлар занжири) кластер моделининг ядроси деб аталади ва қурилиш тармоғида кластер ташкил этилгандан сўнг қурилиш мажмуаси ҳам самарали бошқарилади деган фикрдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. Тошкент ш., 2022 йил 28 январь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари саноатини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-139-сон Қарори. Тошкент.ш. 2022 йил 21 феврал.

3. Бойко Т.С., Фролова Н.С. Строительный комплекс России и региона в условиях ВТО//Проблемы современной экономики. - М., 2013. - № 2 (46). - С.246-250.

4. Старков Д.А. Развитие строительного комплекса региона//Вестник ОГУ. - Оренбург, 2011. - №13 (132). - С.434.

5. Старков Д.А. Развитие строительного комплекса региона//Вестник ОГУ. - Оренбург, 2011. - № 13 (132). - С.435.

6. Каменецкий М.И. Инвестиции в основной капитал и строительный комплекс: анализ и оценка возможностей//Проблемы прогнозирования. - М., 2001. - № 5. - С.107-116.

7. Романова А.И. Экономическое развитие инвестиционно-строительного комплекса: постановка проблемы//Известия КГАСУ. - Казан, 2004. - № 1(12). - С.70 - 72.

8. Швецов В.А. Организационно- технологические условия и факторы управления региональным комплексом инвестиционно - зависимых отраслей //Известия КГАСУ. - Казан, 2005. - № 1 (3). - С.98 -101.

9. Портер М.Международная конкуренция. - М.: «Международные отношения», 1993- С.65.

10. Гайнутдинов Э.Ф. Особенности формирования кластерных структур в России (методологический аспект)//Финансы и кредит. - М., 2014. - № 20 (596). - С.10.